

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БАҲОЛАШДА АНТРОПОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ  
(АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Холматова Н.О., Нишонова Д.В.,

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме*

*Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ва Шаҳриҳон тумани мактабларида бўйича бўлган жами 2230 нафар ўсмир ва болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари ўлчанди. Уларнинг 1211 нафарини Андижон шаҳри, 1019 таси Шаҳриҳон туманининг мактаб ўқувчилари ташкил қилди. Шаҳар мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини белгиловчи антропометрик кўрсаткичлар ёш ва жинси бўйича мос келувчи туманда яшовчи мактаб ўқувчилари кўрсаткичлари билан таққосланди. Натижалар шуни кўрсатдикли, шаҳар ва туман болалари деярли бир хил антропометрик кўрсаткичлар билан мактабга кирадилар. Бироқ, ўқиши жараёнида жисмоний фаоллик, овқатланиш, ўқиши шароитининг турлича таъсири натижасида жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари сезиларли равишда фарқланиши аниқланди.*

*Калим сўзлар: жисмоний ривожланиш, антропометрик кўрсаткичлар, болалар, ўсмирлар.*

**ЗНАЧЕНИЕ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В ОЦЕНКЕ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ  
ШКОЛЬНИКОВ (НА ПРИМЕРЕ АНДИЖАНСКОГО ВИЛОЯТА)**

Холматова Н.О., Нишонова Д.В.,

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме*

*Проведены измерения антропометрических показателей среди 2230 школьников и подростков в возрасте 6-18 лет г.Андижан и Шахрикханского района Андижанского вилоята. Детское население города составили 1211 детей, сельского 1119 детей соответственно. В сравнительном аспекте изучены результаты антропометрических показателей городских школьников с результатами соответствующих возрастно-половых групп детей сельского населения. Результаты исследования показали, что дети городского и сельского населения поступают в школу с одинаковыми антропометрическими показателями. В связи с неоднородным влиянием двигательной активности, питания, условий и характера обучения показатели физического развития в исследуемых группах приобретали достоверные различия.*

*Ключевые слова: физическое развитие, антропометрические показатели, дети, подростки.*

**THE VALUE OF ANTHROPOMETRIC INDICATORS IN THE ASSESSMENT OF THE PHYSICAL  
DEVELOPMENT OF SCHOOLCHILDREN  
(ON THE EXAMPLE OF THE ANDIJAN REGION)**

Holmatova N.O., Nishonova D.V.,

Andizhan state medical institute.

✓ *Resume*

*Anthropometric indicators were measured among 2230 schoolchildren and adolescents aged 6-18 years in the city of Andijan and the Shakhrikhan region of the Andijan region. The children's population of the city was 1211 children, 1119 children of the rural area, respectively. In a comparative aspect, the results of anthropometric indicators of urban schoolchildren were studied with the results of the corresponding age-sex groups of children in the rural population. The results of the study showed that children of the urban and rural population enter school with the same anthropometric indicators. In connection with the heterogeneous influence of physical activity, nutrition, conditions and nature of training, indicators of physical development in the studied groups acquired significant differences.*

*Key words: physical development, anthropometric indicators, children, adolescents.*

**Долзарблиги**

Маълумки, дунё ҳамжамиятида, шунингдек Республикаизда болалар ва ўсмирларнинг ўсиши ва ривожланиши, улардаги касалликларини олдини олиш, даволаш ва реабилитация қилишга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда [1, 11].

Жисмоний ривожланиш - болаликнинг маълум давларидаги боланинг ўсиши (бўй ва тана вазнининг ортиб бориши, организмнинг аъзо ва тизимларининг ривожланиши) ва биологик жиҳатдан ривожланишининг динамик жараёнидир [2]. Жисмоний ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб антропометрик маъ-

лумотлар, уларнинг ўсиш жараёнидаги ўзгаришлари, ривожланишнинг мутаносиблиги, шунингдек, календар ва биологик ёш нисбатлари ва боланинг конституционал хусусиятлар хисобланади.

Тиббий текширувларда болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш асосий мезон бўлиб ҳисобланади ва педиатрлар, умумий амалиёт шифокорлари, шунингдек педагоглар учун муҳим аҳамият касб этади [6]. Ўсиб келаётган авлод ривожланишини индивидуал ва жамоавий тарзда баҳолаб бориш болалар ва ўсмирларнинг саломатлик даражасини бирламчи назорат қилишнинг муҳим қўлланмаси бўлиб хизмат қиласи.

ЖССТ томонидан 6 та давлатлардан танлаб олинган болалар гурухлари ўртасида олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан жисмоний ривожланиш меъёрлари ишлаб чиқилди [12] ва бу меъёрлар Ўзбекистон Республикаси болалар аҳолисига ҳам мослаштирилди [5].

Болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланиши бўйича ўтказилган кўплаб тадқиқотлар дунёнинг турли миintaқаларида яшовчи болаларнинг ўсиш ва ривожланиши турлича кечётганини кўрсатади [3, 9, 10]. Баъзи муаллифлар жисмоний ривожланиши паст кўрсаткичли болалар ҳиссасини мутаносиб равишда бўй ва вазни кам бўлган болалар ҳисобига ортиши билан тушунирадилар [3, 8]. Шунингдек, дисгармоник ривожланиш билан бирга кечувчи кўкрак қафаси айланаси ўртacha кўrсаткичларга нисбатан кичик бўлган болалар сонининг ортиши тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд [8]. Жисмоний ривожланишини баҳолаш болаларнинг индвидуал кўrсаткичларини ёш ва жинсга оид стандартларга солишириш орқали бажарилиб, жамоавий усуlda текширилганда уларнинг антропометрик кўrсаткичларини (бўй, вазн, кўкрак айланаси) ўлчаш ва бу кўrсаткичларнинг бир-бирига мослигини аниқлашдан иборат бўлади [7].

Маълумки, бир хил омил турли ҳудудларда болаларнинг ўсиш ва ривожланишига турлича таъсир қиласди. Шунинг учун ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолиси таркибидаги болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланиш тамойилларини таққослама жиҳатдан ўрганиш алоҳида қизиқиш уйготади.

Тадқиқот мақсади. Андижон вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳолиси таркибидаги мактаб ўкуvчиларининг антропометрик кўrсаткичларини таққослаш орқали уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш.

## Материал ва усуllар

Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ва Шахрихон тумани ўрта умумтаълим муассасаларида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган жами 2230 нафар (мос равиша ўғил болалар 1110 та, қиз болалар 1120 та) ўсмир ва болаларнинг антропометрик кўrсаткичлари ўлчаб олинди. Уларнинг 1211 нафарини Андижон шаҳри, 1019 тасини Шахрихон туманининг мактаб ўкуvчилари ташкил қилди. Антропометрик кўrсаткичлар сурункали касалликлари бўлмаган болаларда умумий қабул қилинган усуllар ёрдамида аниқланди. Ўлчов натижаларига кўра ўртacha арифметик катталик (M), ўртacha хатолик (m), энг кичик ва энг катта кўrсаткичлар (min, max), асосий антропометрик кўrсаткичларнинг (бўй ва тана вазни) ўrтacha квадратик оғиш кўrсаткичи (σ) ҳисоблаб чиқилди. Шаҳар мактаб ўкуvчиларининг жисмоний ривожланишини белгиловчи антропометрик кўrсаткичлар ёш ва жинси бўйича мос келувчи туманда яшовчи мактаб ўкуvчилари кўrсаткичлари билан таққосланди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили вариацион ва корелляцион статистика усуllаридан фойдаланган ҳолда Стъюдент мезонини ҳисоблаш ва ўrтacha арифметик катталиклар фарқининг статистик аҳамиятини (p) баҳолаш орқали Microsoft Excel (2016) ва SPSS 11.5. дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

## Натижা ва муҳокама

Андижон шаҳри ва Шахрихон тумани мактаб ўкуvчиларининг ёши, вазн ва бўй кўrсаткичлари таққослама таҳлили шуни кўrсатди (1-жадвал) Андижон шаҳри ўкуvчиларининг ўrтacha ёши  $12,2 \pm 3,7$  йилни, вазни  $36,8 \pm 14,2$  кг ни, бўйи эса  $143,8 \pm 17,6$  см эканлиги аниқланди. Туман мактаб ўкуvчиларининг ёш, вазн ва бўй кўrсаткичлари мос равиша  $11,8 \pm 3,2$  йил,  $40,2 \pm 11,5$  кг ва  $147,2 \pm 15,9$  см ни ташкил қилди.

1-жадвал

### Андижон шаҳри ва Шахрихон тумани мактаб ўкуvчиларининг ўrтacha ёши, вазн ва бўй ўlчамларининг таққослама тавсифи

№	Ўrтacha кўrсаткичлар (mean±SD)	Яшаш ҳудуди		P
		Шаҳар	Қишлоқ	
1	Ёши, йил	$12,2 \pm 3,7$	$11,8 \pm 3,2$	$>0,05$
2	Вазни, кг	$36,8 \pm 14,2$	$40,2 \pm 11,5$	$<0,001$
3	Бўйи, см	$143,8 \pm 17,6$	$147,2 \pm 15,9$	$<0,001$

\* $p<0,001$  статистик жиҳатдан ишонарли

Шаҳар ва қишлоқ ўкуvчиларининг ёшига боғлиқ ҳолда тана вазни ва узунлигининг таққослама тавсифи 1-расмда келтирилган.

1-расмдан шаҳар ва қишлоқ ўкуvчилари орасида 6 ёшли болалар деярли бир хил жисмоний ривожланиши кўrсаткичларига эга эканлиги ва уларнинг тана узунлиги ўrтacha  $116,4$  смни ( $p=0,931$ ), тана вазни эса  $17,4$  кг ни ( $p=0,796$ ) ташкил қилиши маълум бўлди. 9 ёшли болалар кўrсаткичлари солиширилганда тана узунлиги ҳар икки ҳудудда деярли бир хил (ўrтacha  $134$  см,  $p=0,104$ ), бироқ вазн жиҳатдан қишлоқ ўкуvчиларининг ўз тенгдошларидан анча баланд кўrсаткичларга эга эканлиги ( $28,2 \pm 5,7$  кг га қарши  $32,5 \pm 5,1$  кг,  $p<0,001$ ) аниқланди. Шаҳар популациясининг 13 ёшли ўкуvчи-

лари орасида тана узунлиги  $155,6 \pm 6,7$  см ни, қишлоқ ўкуvчиларига эса  $149,7 \pm 8,3$  см ни ( $p<0,001$ ), тана вазни эса мос равиша  $44,8 \pm 7,1$  ва  $38,1 \pm 4,6$  кг ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ). Мазкур тафовут шаҳар мактаб ўкуvчиларининг вазни қишлоқ ўкуvчиларидан кўра статистик жиҳатдан ишонарли тарзда оғирроқ эканлигини исботлайди. 15 ёшли ўсмиirlарнинг антропометрик маълумотлари таҳлилига кўра эса аксинча, қишлоқ ўкуvчиларининг вазн ва бўй кўrсаткичлари шаҳар ўкуvчиларидан бирмунча ортиқроқ эканлиги маълум бўлди ( $p<0,001$ ). 16 ёшга келиб ҳар икки ҳудуд ўсмиirlарининг бўй ва вазн кўrсаткичлари деярли тенглашганлиги, яъни тана узунлиги ўrтacha  $167$  см ни, тана вазни эса  $55$  кг га тенг эканлиги кузатилди. 17 ёшга





1-расм. Андижон шаҳри ва Шахрихон тумани мактаб ўқувчиларининг ёшига боғлиқ ҳолда тана вазни ва узунлигининг таққослама тавсифи.




2-расм. Шаҳар ва қишлоқ мактаб ўқувчилар жинсига боғлиқ равишда тана узунлиги кўрсаткичлари, см.



3-расм. Шаҳар ва қишлоқ мактаб ўқувчилар жинсига боғлиқ равишда тана вазни кўрсаткичлари, кг.

келиб Шахриҳон тумани ўсмиirlари Андижон шаҳри ўсмиirlардан жисмоний ривожланишда статистик жиҳатдан ишонарли тарзда анча илгарилаб кетганини кузатиш мумкин. Қишлоқда яшовчи ўсмиirlарнинг бўйи  $166,3 \pm 6,6$  см бўлганда шаҳарда яшовчи ўсмиirlarники  $148,7 \pm 22,5$  см ни, вазни эса  $57,4 \pm 9,9$  ва  $41,8 \pm 17,5$  кг ни ташкил қўлмоқда ( $p < 0,001$ ).

Худудлар кесимида мактаб ўқувчилари антропометрик кўрсаткичларининг болалар жинсига боғлиқ таққослама таҳлили шуни кўрсатдики, кичик ёшдаги болаларга нисбатан ўсмиirlik давридаги ўқувчиларда кескин тафовут намоён бўлмоқда (2-3 - расмлар).



Айниқса 15 ёшли Шахриҳон тумани ўғил болалари шаҳарлик тенгдошларидан бирмунча баланд бўйли эканлиги маълум бўлди. Шахриҳон туманида яшовчи ўғил болаларнинг тана узунлиги  $163,9 \pm 7,1$  см ни шаҳар ўқувчилариники эса  $149,8 \pm 11,8$  см ( $p < 0,001$ ) ни ташкил қўлди. Худди шундай тенденция шу ёшга мансуб қизлар орасида ҳам кузатилди. Уларнинг тана узунлиги мос равишда қишлоқ ўқувчилари орасида  $159,2 \pm 1,25$  см ни, шаҳар ўқувчилари орасида  $145,07 \pm 1,91$  см ни ташкил қилиб, шаҳар ўқувчи қизларининг тана узунлиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада кам эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). 13 ёшли ўғил болалар

бўй узунлиги Андижон шаҳрида  $155,6 \pm 6,7$  см, Шаҳриёнда  $149,7 \pm 8,3$  см ( $p < 0,001$ ), қиз болаларда эса мосравиша  $144,9 \pm 0,65$  см ва  $143,05$  см ( $p > 0,05$ ) ни ташкил қилди. Мазкур ёшга мансуб ўсмирлар ўртасидаги ушбу тафовут Андижонлик болалар тана узунлигининг ортикроқ эканини кўрсатади.

Тана вазни бўйича таққослама таҳлил ўтказилганда 7-8 ёшли ўғил ва қиз болаларда бир ҳил кўрсаткичлар кузатилди, бироқ 15 ёшга келиб қишлоқ ўқувчилиарининг шаҳарлик тенгдошларига нисбатан тана вазни бирмунча ортиқ эканлиги маълум бўлди. Андижон шаҳрида ўғил болаларнинг тана вазни  $47,6 \pm 4,6$  кг ни, Шаҳриён туманида эса  $57,4 \pm 9,9$  кг ( $p < 0,001$ ) ни ташкил қилди. Жудди шундай динамика шу ёшга мансуб қиз болалар ўртасида ҳам кузатилди. 16 ёшдан бошлаб эса Андижон шаҳри ўсмирлари ўртасида вазннинг салмоқли ошиши кузатилмоқда. Бунда ўғил болалар вазни  $56,0 \pm 8,8$  кг бўлса, туман ўғил болаларининг тана вазни  $54,4 \pm 7,8$  кг ( $p < 0,01$ ) ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, мактаб ёшидаги болаларда жисмоний ривожланишнинг ўзгариши геосиёсий таъсирилар, ҳаёт тарзи ва сифати, жисмоний фаоллик, таълим шароити ва усуслари, шунингдек, тиббий-ижтимоий шароитларга боғлиқдир. Болалар ва ўсмирларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари атроф-муҳит шароитига боғлиқ ҳолда биологик қонуниятларга бўйсуниши ўз исботини топди. Шаҳриён тумани ва Андижон шаҳри мисолида, ушбу ҳудуларда истиқомат қилувчи мактаб ўқувчилиарининг антропометрик кўрсаткичлари таққослаб кўрилганда турли натижалар аниқланди. Баъзи кўрсаткичлар бўйича қишлоқ болалари шаҳар болаларидан анча ўтиб кетганлиги болаларнинг жисмоний ривожланиши шу ҳудуднинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, урбанизация даражаси ривожланиб боргани сари экологик муҳитнинг бузилиши, соглом овқатланишга риоя қилинмаслиги, соглом турмуш тарзи, жисмоний фаолликнинг камайиши, кўп қаватли уйларнинг қурилиши ўсмир ёшларнинг жисмоний кўрсаткичларига салбий таъсир қиласи.

## Хуносалар

1. Андижон шаҳри ва Шаҳриён тумани мактаб ўқувчилиарининг жисмоний ривожланиш даражасини белгилаб берувчи антропометрик кўрсаткичларининг таққослама таҳлили шаҳар ўқувчилиарининг антропометрик кўрсаткичлари қишлоқдаги тенгдошларига нисбатан сезиларли фарқланишини намойиш қилди. Бу эса айни ҳудулардаги атроф-муҳит омиллари, ҳаёт тарзи, таълим шароитининг ўзига хослиги болалар ва ўсмирларнинг ўсиши ва ривожланишига турлича таъсири билан боғлиқ.

2. Биргина антропометрик кўрсаткичга кўра ривожланишдан ортда қолиш худди шу ёш ва жинсга мансуб гурухларда ривожланишнинг бошқа кўрсаткичлар динамикасига ҳар доим ҳам боғлиқ бўлмайди. Бир тоифадаги болалар аҳолиси орасида ўтказилган тадқиқот давомида олинган антропометрик таҳлил натижалари жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиши учун репрезентатив материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

3. Андижон шаҳри ва Шаҳриён тумани ўқувчилиари орасида аниқланган антропометрик кўрсаткичлардаги фарқланишлар шаҳар ва қишлоқ болалари ва ўсмирларининг жисмоний ривожланишини баҳолашда ҳудудий нормативлар (стандартлар) ишлаб чиқиши зарурати мавжудлигини кўрсатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида". - ПҚ-2221.-2014, ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 397-модда; 2017 й., 2-сон, 25-модда
2. Баранов А.А Физическое развитие детей и подростков на рубеже тысячелетий. - М.: Научный центр здоровья РАМН, 2008. - 215 с
3. Басманова Е.Д., Пере沃щикова Н.К. Особенности физического развития детей в школах разного типа //Рос. педиатр. журнал.-2012.-№1.-С. 52-57.
4. Березин И.И., Сучков В.В. Система профилактических мероприятий по уменьшению загрязнения атмосферного воздуха //Известия Самар. науч. центра РАН.-2014.-№16 (5).-С. 1777-1780
5. Болаларга амбулатор-поликлиника муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.- ЎзР ССВ нинг 2015 й.-420 - сон бўйруги
6. Прокопьев Н.Я. Динамика физического развития мальчиков 8 лет на начальном этапе занятий спортом / Н.Я. Прокопьев, А.М. Дуров // Теория и практика физической культуры. - 2017. - № 12. - С. 49-52.
7. Русакова Н.В., Березин И.И., Кретова И.Г. и др. Динамика антропометрических показателей детей и подростков г. Самары (1978-2008). //Вестн. Самар. гос. ун-та. -2012.-№8(74).-С.200-207
8. Русинова И.И., Василенко Ф.И. Влияние уровня двигательной активности на показатели физического развития учащихся 12-15 лет. //Вестн. ЮжноУрал. гос. ун-та. -2010.-№7(140).-С.106-110.
9. Alderman H., Behrman J.R., Glewwe P. et all. Evidence of Impact of Interventions on Growth and Development during Early and Middle Childhood. In: Bundy DAP, Silva Nd, Horton S, et al., editors. Child and Adolescent Health and Development. 3rd edition. Washington (DC): The International Bank for Reconstruction and Development //The World Bank.-2017, Nov20.-Chapter 7.
10. El Halal CDS, Nunes ML. Sleep and weight-height development //J. Pediatr (Rio J).-2019.-№95.-S.1.-P.2-9
11. The global strategy for women's, children's and adolescents' health (2016-2030).-WHO, Geneva, 2016
12. WHO Child Growth Standards based on length/height, weight and age //Acta Paediatrica, 2006.-Suppl.450.-P.76-85

Келиб тушган вақти 10.09.09. 2020